RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

«ЎзДЭУавто»нинг янги лойиҳалари

«ЎзДЭУ авто» заводи Ҳамдўстлик мамлакатларидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида биринчи бўлиб халқаро стандарт ИСО-9001 сертификатига сазовор бўлди. Ўзбекистон автомобилсозлигининг халқаро миқёсдаги эътирофи кафолати бўлган сертификат қўшма корхонанинг экспорт салоҳиятини янада оширади.

Ўзбек автомобилсозларининг маҳсулотлари харидорларга тобора манзур бўлмоқда. Ҳозирга қадар кореялик ҳамкорлар билан биргаликда завод конвейерларидан 200 мингдан зиёд замонавий енгил автомобиллар ишлаб чиқарилди. «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобиллари дунё бозорида ҳам харидоргир бўлмоқда. Юртбошимизнинг мамлакатимиздаги ҳар бир оила Асакада ишлаб чиқарилган ўз шахсий енгил автомобилига эга бўлади, дея билдирган тилагининг амалга ошишига замин яратиляпти.

Эҳтиёжга қараб бозор талаблари ҳам ўзгариб боради. «ЎзДЭУавто» жамоаси бу борадаги изланишларни давом эттиряпти. Кореялик ҳамкорлар билан келишув асосида заводда «Нексия-2», «Матиз» русумли янги автомобиллар ишлаб чиқариш лойиҳаси тайёрланди. Унинг амалга ошиши автомобиль заводи жамоасининг замонга ҳамқадам равишда олдинга интилаётганлигининг амалдаги тасдиғидир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мурунтов олтини Лондон биржасида

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси янги йилни юксак меҳнат унумдорлиги билан бошлашди. Бу ўринда Марказий ва Шимолий кон бошқармалари олтинтопарлари меҳнати беқиёсдир. Мурунтов ҳамда Кўкпотас конларидан қазиб олиниб, қайта ишланаётган тилло қуймаларига жаҳон бозорида талаб катта. Шунинг учун ҳам у олтин билан савдо қилувчи энг йирик компания — Лондон биржасида сотилмоқда. Эндиликда Жанубий Африка, Америка, Япония ноёб олтинлари каби Зарафшон олтини Токио биржасида ҳам харидоргир. Навоийлик олтинпазлар ўтган йилги нодир металлар ишлаб чиқариш режасини ошириб бажардилар.

Янги йилнинг дастлабки ўн кунлиги натижалари шуни кўрсатдики, бу йил Мурунтов олтинининг салмоқ ва сифати янада ортади. Зеро яқин орада Зарафшоннинг «9999» таркибли олтин қуймалари ривожланган Ғарб мамлакатларининг яна 2 та энг йирик биржасида сотилиши кутиляпти.

Музаффар ШАРОПОВ

Беморларга хизмат ўзгармоқда

Пахтачи тумани ҳокимлиги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари сингари тиббиётга ҳам катта эътибор бериб келмоқда. Жумладан, туманда вилоятда биринчилардан бўлиб 1999 йилнинг октябрь ойида «Шошилинч тиббий ёрдам» бўлими ташкил этилиб, шифокор ва ҳамширалар танлов асосида ишга қабул қилинди.

Шу кеча-кундузда 30 беморга мўлжалланган, барча талабларга жавоб берадиган шинам палаталарда беморларга «Шошилинч тиббий ёрдам» кўрсатилмоқда. Айни пайтда шошилинч жарроҳлик, геникология, терапия, педиатрия ва реаниматология бўлимлари ишлаб турибди. Бу ерда меҳнат қилаётган гениколог Санобар Маҳмудова, жарроҳлардан А. Маҳмудов, А. Ҳамроев, анестезиолог Б. Тўрақулова, болалар шифокори Д. Хўжаева, ҳамширалардан М. Халилова, Л. Алексиеваларнинг хизматлари шу қисқа фурсатдаёқ тахсинга лойиқ деб топилди.

— Ўтган қисқа муддатда 387 та оғир беморни даволаб, шундан 218 тасига тез ва мураккаб операция ўтказишга тўғри келди, — дейди бош шифокор Абдураззоқ Турсунов.

Айтиш жоизки, бўлим замонавий тиббий анжом ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ҳукуматингизга Исроил халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутловларимизни ҳамда энг эзгу тилакларимизни йўлламоқчиман.

Мен Сизга Президент лавозимидаги фаолиятингиз хайрли ва муваффақиятли бўлишини тилайман ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд муносабатлар Сизнинг буюк раҳбарлигингизда бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига ишонч билдираман.

Эзер ВЕЙЦМАН,
Исроил Давлати Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизга Италия халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутловлар ҳамда юксак ваколатингизни давом эттиришда муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимизни йўлламоқдаман.

Италия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётган Европа ҳамкорлиги доирасида келгусида ҳам ривожланиб боришини чин дилдан истайман ҳамда мамлакатларимизни боғлаб турган ришталарни мустаҳкамламоқ учун Сиз билан учрашиб, суҳбатлашишдан бахтиёр бўламан.

Дўст ўзбек халқига равнақ ва Сиз, Жаноби Олийларига шахсий омонлик тилаб, энг эзгу истакларимни йўллайман.

Карло Адзельо ЧАМПИ,
Италия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини чин қалбдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, Сиз, Жаноби Олийларининг мамлакатингиз барқарорлигини ва тараққиётини таъминлаш йўлидаги тинимсиз саъй-ҳаракатларингиз Сизнинг қайта сайланишингиз боисидир, шу боис Сизга бўлган ҳурмат-эҳтиромим каттадир.

Республикангиздаги барқарорлик ва ривожланиш ушбу минтақа ва айни вақтда умуман Евроосиё қитъаси равнақининг зарур омили ҳисобланади.

Япония мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни монеъсиз ривожлантириш учун бундан буён ҳам бутун куч-ғайратини сарфлаш ниятидадир.

Пировардида Сиз, Жаноби Олийларига муваффақият, сиҳат-саломатлик ва мамлакатингизнинг бундан буён ҳам ривожланиб боришини тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром ила,

Кэйдзо ОБУЧИ,
Япония Бош Вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Президенти этиб янги муддатга сайланганингиз муносабати билан Мальдив ҳукумати ва халқи, шунингдек шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимизни йўлламоқдаман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва омонлик тилаб, энг эзгу тилакларимни ҳам изҳор этишимга ижозат бергайсиз.

Мамун Абдул ГАЮМ,
Мальдив Республикаси Президенти

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

2000 йил 20 январь, пайшанба • № 9 (25.559).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Жаҳон халқларининг маънавий-диний тараққиётига, ҳуқуқшунослик илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, нодир истеъдод эгаси Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудига ҳижрий сана бўйича 910 йил тўлиши муносабати билан унинг хотирасини абадийлаштириш, халқимизни аждодларимиз маънавий мероси билан яқиндан таништириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва жамоатчиликнинг 2000 йилда Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллигини республикамизда кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг таркиби ҳамда юбилей тантаналарига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари режаси тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддатда ушбу санага тайёргарлик кўриш тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Бадиий академия ва Фарғона вилояти ҳокимлиги билан биргаликда очиқ танлов асосида 2000 йилда Бурҳониддин ал-Марғиноний шарафига ёдгорлик мажмуи барпо этиш масаласи бўйича таклифлар тайёрласин ва уларни ташкилий қўмита тасдиғига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда тегишли вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда 2000 йилда «Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг жаҳон фани ва маданияти тараққиётида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Фанлар академияси билан биргаликда Бурҳониддин ал-Марғиноний яшаган давр фани ва маданиятига оид асарларни, шунингдек унинг асарлари намуналарини нашр этишни ўз режаларига киритсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, республика вазирликлари, идоралари, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалари бир ой муддатда Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг жаҳон фани ва маданияти тарихида тутган ўрнини чуқур ўрганиш, тарғиб этиш бўйича ўз тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар.

7. Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш жараёнида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита, Фарғона вилояти ҳокимлиги, ҳомийлик қилиш истагини билдирган хорижий ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг ўз улушларини қўшиш ҳақидаги таклиф-истаклари қўллаб-қувватлансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 19 январь

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси биринчи йиғилишининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи йиғилиши 2000 йил 22 январь куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 21 январь соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар зали фойесида рўйхатга олинади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари диққатига

Депутатлар фракциялари ва депутатлар блокларига кирувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 21 январь куни Олий Мажлис биносида йиғиладилар:

«Адолат» Социал-демократик партияси фракцияси — 1-залда, соат 11.00 да;

«Ватан тараққиёти» партияси фракцияси — 5-залда, соат 11.00 да;

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси — 2-залда, соат 11.00 да;

«Фидокорлар» Миллий-демократик партияси фракцияси — 1-залда, соат 12.00 да;

Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоки — 2-залда, соат 12.00 да;

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси — 1-залда, соат 14.00 да;

Ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки — 1-залда, соат 15.00 да.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Қор қувончи

Ер силкинди

«Тошкент» сейсмостанциясининг хабар беришича, 19 январь маҳаллий вақт билан соат 12 дан 10 минут ўтганда ер ости силкиниши қайд этилди. Зилзила маркази Афғонистоннинг Ҳиндикуш тоғларида, Файзиобод шаҳри яқинида бўлган. Тошкентдан 510 километр узоқликда жойлашган зилзила марказида силкиниш кучи 6 баллни ташкил этган.

Тошкент, Фарғона, Андижон ва Наманганда зилзила кучи 2-3 баллга тенг бўлган. Жароҳатланганлар ва вайронагарчиликлар йўқ.

(ЎзА).

Хаёлдаги тугун

Бир бор экан, бир йўқ экан, шундай омон-омон замонда, Сурхондарё томонда, Шўрчи деган туманда, битта фермер бор экан, ишлари зўр, моли бор, қўйи бор, улови бор, аммо ерга зор экан. Сабаби, бу фермер гўшт-сут етиштирар, асосий даромадни чорвадан кўрарди. Яъни, «Нуробод» деб номланган фермер хўжалигининг 30 бош қорамоли, 40 дан зиёд қўй-эчкиси бор эди. Шундай бўлгач, хўжаликни ривожлантириш учун нима керак? Ер керак... Ерга озуқа экиш жоиз, мол-ҳолни боқиш, гўшт-сутни кўпайтириш, даромадни ошириш лозим. Бугун эса, шу нарсани ўйлайвериб, сочига оқ тушган, 35 ёшни қаршилаган ёш фермер Бахтиёрбек Жумаевнинг фиғони фалакда. Бир қарич ҳам ери йўқ... Ундай бўлса, шу пайтгача нима билан шуғулланди, қандай қилиб хўжаликни юргизди, дерсиз?

Изланганнинг иши изсиз кетмайди, қимирлаган қир ошар, деган нақл бор.

Аввало фермер хўжалигининг ташкил топиши хусусида... Тумандаги бўрдоқичиликка ихтисослашган ташкилот жуда ночор аҳволда қолади. Очиғини айтганда, фойдасидан зарари кўпайиб кетади. 2 миллион сўм зарар кўрган корхонада 7 бош қорамол ва 20 та қўй-қўзи, қисмлари сочилиб кетган бузуқ техника қолганди холос.

Хуллас, кимошди савдосида фермер Бахтиёр Жумаев мазкур ташкилотни сотиб олди. «Нуробод» фермер хўжалигини ташкил қилди. Очиғи, ёш фермер жуда кўп режаларни амалга оширишни кўнглига тугиб қўйганди. Бироқ, хаёлдаги тугун ҳанузгача «ечилгани» йўқ.

Ташкилот 1998 йилнинг бошида сотиб олиниб бир йил ичида унинг носоз техникалари капитал таъмирдан чиқарилди. Қорамоллар туёқ сони оширилди. Бинолар қайтадан жиҳозланди. 100 тупдан зиёд кўчат ўтказилди. Асосий иш ташкилий масалаларга қаратилди.

1999 йилда ўзини тиклаб, ишини тўғри йўлга қўйган, ташаббускор фермер хўжалигининг иши юришгандай бўлди. Яъни, йиллик даромад 1 миллион сўмга етди. Фермер хўжалигида 12 нафар киши меҳнат қилган бўлса, ўртача иш ҳаққи 5472 сўмни ташкил қилди. Хуллас, инқироз ботқоғига ботаётган ташкилот ўрнида равнақ топиб, эл-юртга нафи тегадиган фермер хўжалиги пайдо бўлди.

2000 йилнинг дастлабки ўн кунлиги Президентимиз томонидан «Меҳр-мурувват» ўн кунлиги деб эълон қилинди. Фермер хўжалиги туман қариялари, барча меҳнат фахрийларини тўплаб хайрия оши тарқатди. Уларга турли совға-саломлар улашди, қариялар дуосини олди. Тумандаги 31-умумтаълим мактабини ўз оталиғига олди. Бу бир йил ичида ўзини эплаб олган хўжаликнинг иши.

Бу ёғини Бахтиёрбойдан эшитинг: — Мана кўриб турибсизлар. Ўзингиз гувоҳсиз, — дейди, у бизга. — Фермер хўжалигимиз қўлга киритган ютуқлар чакки эмас. Бизга одамлар ўз баҳосини беряпти. Аммо меҳнатимиз қадрини айрим раҳбарлар тушунмаётгани чакки бўлаяпти. Қонун тили билан гапирсам ҳам, одамгарчилик юзасидан сўзлашсам ҳам гапим ҳавода қолаяпти. Ўзингиз ўйланг, шунча молим, қўй-кўзим бўла туриб бир гектар ҳам ерим йўқ. «Совжирон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Абдусамат Соатовга ва унга қўшни бўлган Усмон Дониёров номли жамоа хўжалиги раиси Бахтиёр Дониёровга, туман ҳокимлигига, вилоятдаги мутассаддиларга бораверив чарчадим. Унда қандай қилиб, озуқа тўпладингиз дерсиз... Жамоа хўжаликларининг экиндан бўшаган майдонларига озуқабоп экин экдим. Бу текинга бўлмаганлигини яхши биласиз. Бошқа нима қилай? Очиғи, бошим эгилиб, одамларнинг олдида ер чизиб, Бахтиёр ишини эплай олмади, деган гапни кўтаролмайман. Ориятли ўлимдан кучли, билсангиз, Гоҳида озуқа учун бориш-келиш 70 чақирим йўл юриб Деновга, «Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамиятига борамиз. У ёқда навбатга туришимизни айтинг. Агар ер масаласи ҳал бўлганда эди, ҳар қандай муаммога хўжаликнинг ўзида барҳам берилардик. Ахир бизга камида 12 гектар ер керак. Шунча молни парваришлаб, кўзланган натижага эришишимиз учун бир бош қорамолга ўртача 0,45 гектар ер ажратилиши жоиз. Шундай бўлганда эди, ишимиз бароридан келиб, янада яхши кўрсаткичларни қўлга киритардик. Агар ер масаласини ҳал қилсак, 100-150 бош қорамолни парваришлашни ҳам эплаймиз. Ахир, бундан туман иқтисоди ҳам, элимиз ҳам наф кўради-ку...

Туман ҳокимининг ўринбосари Маматхонов, ЎзХДП туман кенгаши биринчи котибаси Рўзимуродова опамиз, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими бошлиғи Тошмиров бобо Шўрчида Бахтиёрдай фермерлар кўпайиши, унинг юрт ободлиги учун қилаётган эзгу ишлари, хайр-эҳсонлари ҳақида тўлиб-тошиб гапиришади. Бироқ, фермерга ер ажратилиш масаласи... ҳавода муаллақ қолаётгани чатоқда.

Шу ўринда Президентимизнинг иккинчи чақириқ халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқи ёдга тушади: «Лекин қишлоқ жойларда ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида қабул қилинган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг етарли даражада ҳаётга татбиқ этилмаётгани, ***мулкка эгалик масалалари ўз ечимини топмаётгани,*** деҳқонлар меҳнатини хўжалик фаолиятининг приоврад натижалари билан боғлайдиган иқтисодий механизм амалда қўлланилмаётгани, айниқса **моддий манфаатдорлик тамойиллари бузилаётгани** қишлоқ хўжалиги ривожига жиддий тўсқинлик қилмоқда».

Шўрчи туманида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги режалар уддалана олмаётганининг сабаби ҳам, юртбошимиз таъкидлаганидек мулкка эгалик масалалари ўз ечимини топмаётганида эмасмикан? Жамоа хўжаликлари режани бажармаса, туман режани бажармаса, ишлайман деган одамга йўл очиб берилмаса, тадбиркорликка бепарво қаралса буни нима деб изоҳлаш мумкин?. Эскича фикрлаш айрим раҳбарларнинг узоқни кўра билмаслиги оқибати эмасмикан бу?.

Мол-ҳоли бор фермерга ер берилиши керак. Бу қонунда аниқтиниқ ёзиб қўйилган:

Ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган фермер хўжалигига қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан умумий йиғилишнинг қарори асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш, ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш, яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Фермер хўжалигига ер участкасини бериш тўғрисидаги қарорни туман ҳокими қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг қарори асосида қабул қилади».

(Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни, 8-модда).

Қонунда шундай, Бахтиёрбойга эса ер тегмаяпти.

Бу эса унинг хаёлида тугун, ишига тўғоноқ бўлиб турибди.

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
Аслиддин АБДУЛАЗИЗ
ўғли,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Очиқ гаплар

«Ўзбекистон овози»га обуна давом этмоқда

Бухорода ҳосил байрами

Бухорода ўн олти йилдан буён бундай тадбир ўтказилгани учунми, кеча табиат ҳам бободеҳқонга кулиб боқди. 1999 йилни улкан зафарлар билан якунлаган вилоят пахтакору ғаллакорлари, чорвадору соҳибкорлари, уларга камарбаста бўлган талабаю, шаҳарликлар катта ўйингоҳга тўпландилар. Байрам қатнашчиларини вилоят ҳокими Салойиддин Ҳусенов, қўшни вилоятлардан келган меҳмонлар вакиллари қизғин қутладилар. Шундан сўнг бултур эришган муваффақиятлари учун бир гуруҳ илғорларга «Тико», «Дамас», «Нексия» машиналарининг калитлари топширилди.

Жорий йилда 450 минг тонна пахта ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилган вилоят деҳқонлари кун бўйи кўпкари, кураш, қўчқор уруштириш каби миллий ўйинларни ҳамда республикамизнинг таниқли санъат усталари концертини томоша қилдилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тараққиёт йўлида

Аҳмад Соатов номли Жиззах пайпоқ тўқув корхонаси 2 мингинчи йилни маҳсулот ишлаб чиқаришдан 370 минг сўм фойда олиш билан кутиб олдилар. Санация қилинган корхона жамоаси 5 миллион сўмлик қарзни тўлаб, тараққиёт йўлига чиқиб олди. Меҳнат қилаётган ишчилар сони 30 нафарга кўпайди. Пайпоқ тўқишда зарур бўладиган хомашё илгарилари Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларидан келтирилар эди. Эндиликда Қўқондаги турдош корхоналардан олиб келинмоқда. Бу маҳсулот таннархи ва иш сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

— Йил охирига бориб корхона шуҳрати тўлиқ тикланади, — дейди корхона раҳбарининг биринчи муовини Нарзулло Юсупов. — Тўқув, бўяш ва пардозлаш цехларининг қуввати оширилиб, ишчиларни ижтимоий ҳимоялашга асос яратилади. Маҳсулот турлари кўпаяди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Нашрдан чиқди

Маълумки, партиянинг 1999 йил октябрь ойида бўлиб ўтган III Қурултойи томонидан Ўзбекистон ХДПнинг янги таҳрирдаги Дастури қабул қилинган эди. Дастурнинг матни ўша пайтлардаёқ матбуотда эълон қилиниб, партия ташкилотлари ва фаоллари сайловолди мавсумида ундан кенг фойдаландилар. Шу билан бирга, унга зарурат катта. Чунки, Дастур партиянинг узоқ муддатга мўлжалланган бош сиёсий ҳужжатидир. Дастурда баён этилган ғояларни рўёбга чиқариш учун партия аъзолари уларни чуқур ўрганишлари даркор. Демакки, Дастурга мунтазам мурожаат этиш имконияти бисёр бўлмоғи лозим.

Шуларни ҳисобга олиб, ушбу ҳужжатни алоҳида рисола шаклида чоп этиш мақсадга мувофиқ, деб топилди ва яқинда «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури (янги таҳрир)», кўп минг нусхада, ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиқди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Балиқчилар зафари

Жанубий Орол балиқчилари 2000 йилни меҳнат зафарлари билан кутиб олдилар. Улар ўтган йилда 8810 центнер балиқ овлашди. «Амударё» жамоа хўжалиги аъзолари 2345 центнер, «Қозоқдарёбалиқ» ҳиссадорлик жамиятида эса 1161 центнердан кўпроқ балиқ овлашга эришдилар.

«Қорақалпоқбалиқ» давлат ҳиссадорлик уюшмаси бўйича 14 минг 586 центнер балиқ маҳсулотлари тайёрланди. Яъни 272 миллион 195 минг сўмлик маҳсулот етиштирилди.

— Жанубий Оролдаги ва ички кўлларда балиқчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз, — деди «Қорақалпоқбалиқ» давлат ҳиссадорлик уюшмаси раиси Қаипберган Юсупов. — Бизда совуқ энди бошланди. Қор ёғаяпти. Кўлларда муз қотгандан кейин балиқ овлаш суръати ҳозиргидан 4-5 ҳиссага кўпаяди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Эҳтиёт бўлинг — грипп

Маълумки, яқинда Вазирлар Маҳкамаси грипп эпидемиясининг республикамиз ҳудудига тарқалиш эҳтимоли борлиги муносабати билан фармойиш қабул қилди. Ушбу фармойишдан келиб чиқиб, халқаро «Экосан» жамғармаси биносида ушбу жамғарма, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида «Гриппнинг олдини олишда омманинг роли» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан мутахассислар бу касаллик хавфли асоратлар қолдириши ва қайталаниши мумкинлигини эътироф этиб, грипп вирусининг кишидан кишига юқишида кучайишини таъкидлашди. Шунинг учун одамлар гавжум жойларда, яъни бекатлар, бозорлар ва шунга ўхшаш масканларда санитария ва гигиена талабларига қаттиқ риоя қилиш, бепарво бўлмаслик зарурлиги уқдирилди. Қисқаси, грипп эпидемиясига қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида фикр алмашишди.

Ғани СОДИҚ

Бозор ва тараққиёт мезони

Халқ манфаатларини ифода этувчи мустақил иқтисодий сиёсат Ўзбекистон тараққиётининг муҳим мезонидир. Тарихий тажриба шуни кўрсатдики, фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ақлий ва жисмоний имкониятларини очиб беради, боқимандаликка хотима ясайди, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантиради, рағбатлантиради.

Президентимиз «Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб амалга ошириши зарур» деб таъкидлаган эдилар.

Бозор муносабатлари асосида ривожланган жамиятни қуриш бу узоқ, мураккаб жараён бўлиб, уни доимий равишда чуқур идрок қилиш ва зарур ҳолларда тузатишлар киритиш талаб қилинади. Бозорга ўтилган сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг вазифаси жиддий ўзгаради. Бозор иқтисодиётининг ўзини-ўзи тартибга солувчи воситалари тобора муҳимлашади. Давлатга иқтисодий режа ва рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя вазифалари қолади. Худди шу йўл билан ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва бунинг учун зарур шароитлар яратиш мумкин бўлади.

Бу даврда давлат бош ислоҳотчи сифатида иқтисодиётнинг бозор муносабатларини қарор топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва қуйидаги вазифаларни амалга оширади.

— ўтиш даврида аҳолининг манфаатларини кучли қайта тақсимлаш воситалари ёрдамида ҳимоя қилиш;

— ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни кафолатлаш;

— фуқаролар иқтисодий фаолиятларини ҳуқуқий асосларини, бозор шарт-шароитларини вужудга келтириш;

— уларнинг иқтисодий эркинликларини кафолатлаш;

— тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад йўналишларини ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бош йўлини белгилаш ва бу йўлни ўтказиш юзасидан қарорлар қабул қилиш вазифаларини бажариш;

— аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали ва аниқ-равшан тизимини вужудга келтириш;

— вужудга келаётган ишбилармонлик, тадбиркорлик тузилмаларининг барқарор бўлишига ва ривожланишига кўмаклашиш;

— аниқ мақсадга йўналтирилган халқ хўжалиги тармоқлари тузилишини қарор топтириш мақсадида тузилма сиёсатини амалга ошириш.

Давлат бош ислоҳотчи сифатида иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида бозор иқтисодиётининг асосларини вужудга келтира бориб, маъмурий-буйруқбозлик усулининг оғир оқибатларини енгиб, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштиришга ҳаракат қилди. Ушбу вазифаларни бажариш жараёнида қуйидагилар амалга оширилди.

— Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизи барпо этилди ва бу негиз бундан буён ҳам такомиллашиб боради;

— давлат мулкини хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантиришнинг дастлабки босқичи якунланди;

— қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар устувор равишда амалга оширила бошланди ва аграр муносабатларнинг янги тури шаклла бошланди;

— бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими тугатилиб, институционал ўзгаришлар амалга оширилди;

— ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш учун дастлабки ишлар амалга оширилди;

— аҳолини ёппасига ижтимоий ҳимоялашдан, мақсадли, фақат энг кам таъминланган аҳоли қатламларини маҳаллалар орқали ижтимоий ҳимоялашга ўтилди;

— ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланди, МДҲ мамлакатлари ичида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши республикамизда жуда кам;

— халқнинг маънавий-руҳий тикланишига катта эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида давлат бош ислоҳотчи сифатида қуйидаги вазифаларни ўз олдига қўймоқда:

— давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш, рақобатчилик муҳитини шакллантириш.

— ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва микроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, корхоналар, тармоқларнинг, умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришиш;

— миллий валюта — сўмни қадрини мустаҳкамлаш, унинг конвертациясига, қатъий валюталарга эркин алмаштиришга бутун чоралар билан эришиш, бунинг учун эса ўзимизда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда ички бозорни шундай моллар билан тўлдириш, корхоналарнинг четга мол чиқаришини кенгайтириш ҳисобига валюта захираларини мустаҳкамлашга эришиш;

— иқтисодиёт структурасини, халқ хўжалигининг тармоқлар тузилишини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказишдан иборат.

Ушбу вазифаларни бажара бориб, Ислом Каримов бошқарган ҳукумат 1996 йилдан бошлаб республика халқ хўжалигининг барқарорлашувига иқтисодий инқироздан чиқишига ва иқтисодий ўсишни таъминлашга эришди. Ялпи ички маҳсулот 1996 йили 1,6 фоизга, 1997 йилда 5,2 фоизга, 1998 йили 4,4 фоизга кўпайди. 1999 йилда бу кўрсаткич 4 фоиз атрофида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси МДҲ мамлакатларида биринчи бўлиб ўз иқтисодиётини барқарорлаштирди ва тараққиёт йўлидан бориб янгидан-янги ижтимоий иқтисодий ютуқларни қўлга киритмоқда. Шу боисдан ҳам юртбошимиз ишлаб чиққан ва муваффақият билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг «ўзбек модели» халқаро миқёсда тан олиниб такомиллашмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш мақсадида бозор инфратузилмаси янада ривожлантирилади, банк тизими такомиллаштирилади, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизими тубдан қайта кўриб чиқилади, валюта тизими ва бозори эркинлаштирилади, энг муҳими, давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашуви чеклаб қўйилади.

Янги босқичда ҳам давлат бош ислоҳотчи, иқтисодий ўзгартиришларнинг ташаббускори сифатида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янги йўналишларда давом эттиришга бош-қош бўлади.

Мамадали ЭШНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Бизнингча меҳнатсевар, режали, иши бошидан ошиб ётган одамнинг уруш-жанжал, аралашишга вақти ҳам бўлмайди Сабаби меҳнат гўёки танадаги барча заҳарли ва зарарли рутубатларни суғуриб ташловчи малҳамдир. Чунки меҳнат қилиш учун одамларнинг бир-бирига ўзаро муносабатлари дўстона, самимий бўлиши керак. Оиланинг умумий меҳнат зафарлари эса уларга шавқ-завқ бағишлаб, бир-бирларига меҳр-оқибатни, қадру-қимматини янада оширади. Бозор иқтисоди шароитида ўзининг ишбилармонлиги туфайли, турмуш учун зарур маҳсулотларнинг олдиндан ҳисоб-китобини олиб, шунга мувофиқ тайёргарлигини кўриб, замин ҳозирлаганлиги сабабли тирикчилиги яхши ўтаётган оилалар анчагина. Ҳикоямиз қаҳрамони Шербек Шодмонов иқтисод назариясини ўзлаштириш билан бир вақтда ўз оиласининг келажагини ҳам пухта ўйлаганлардан. Дастлаб у товуқхонани кенгайтириб, товуқларни 30 тага етказди. Олтита жайдари қўйларни сотиб, ўрнига 10 та ҳисори қўзича олди. Орадан бир йил ўтгач, бу қўзиларнинг ҳар қайсиси 80-100 кило гўшт-ёғ қилди, ҳам насл қолдириб, ўз ўрнини тўлдирди. Катта ўғилнинг кажавали мотоциклини насли ғунажинга алмаштиришди. Рўзғорга керакли энг зарур маҳсулотлар: гўшт, сариёғ, сут, тухум ўзларидан чиқа бошлади. Дўкондан асосан ун билан ёғ сотиб олинади.

Шодмоновлар оиласида ўғил ва икки қиз вояга етди. Олти боланинг ҳаммаси ҳам мактабни олтин медаль билан тугатиб, ўз кучлари билан институтларга киришда профессор оталаридан ҳам кўра математика ўқитувчиси — оналари Зулфияхоннинг хизматлари каттадир. Ҳозир улар масъул лавозимларда ишлашмоқда.

Шербек Шодмоновнинг илмий асарлари ва дарсликлари, унинг педагогик фаолияти иқтисодчиларнинг бутун бир авлодга устозлик қилиш билан бирга бу одам деҳқончилик ва қурувчилик ҳунарини ўғилларига ҳам ўргатган. Томорқа учун домлага берилган жойга фақат оила аъзоларининг кучи билан данғилламаиморат солишибди. Бу ҳақда домла:

— Иморатнинг асосий лойиҳачиси ва меъмори ўзим, бизнинг маслаҳатчимиз Зулфия, чизмачи — кенжатой ўғлимиз Шуҳратбек. Ғишт терувчилар — Баҳодир билан Жаҳонгир, катта ўғлимиз Эркин — таъминотчи. Ҳашарга ўғилларнинг ўртоқлари, қариндош-уруғ келиб туришди. Уста ҳам, мардикор ҳам ёллаганимиз йўқ, ҳозирги иқтисодий тақчиллик бунга

Орамиздаги одамлар

имконият бермайди, ҳаммасини болаларнинг ўзлари қилишди, — дейди.

Дам олиш куни бизни ҳам ҳашарга айтишди. Кечикиб қолмаслик учун ўриндан турибоқ ҳашарга ошиқдик. Эрта келдик, деб ўйласак, бу ерда аллақачон иш қизиб кетган экан. Ичкарида қўлида андава билан иккинчи ўғли Баҳодир суваган деворнинг нотекис чиққан жойларини домла чаққонлик билан текислаб бормоқда. Домланинг қилаётган иши осондек кўриниб, унинг қўлидан андавани олиб деворни текисламоқчи бўлдим, лекин улгуролмай ганч лойни қотириб қўйдим. Домла қотган лойни кўчириб ташлаб, қўлига бир лўмбаз ганч қоришмасини олиб бир зумда мен бузган жойни текислаб ташлади. Бошқа ўғиллар ҳам девор суваш билан машғул эдилар. Уларнинг ишини кузатиб, суворқни жуда сифатли бажараётганликларини кўриб, домладан:

— Йигитларни суворқиликка махсус ўқитганмисиз? — деб сўрадим. Домла:

— Бола ёшликдан меҳнат ичида ўсса, меҳнат кўникмасига эга бўлса ҳамма ишни қилиб кетаверади. Мана, кенжа ўғлим Шуҳратбекнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Рўзғоримизга 20 йилдан бери хизмат қилиб турган енгил «Жигули» машинамизни тўлиқ ечиб ташлаб, бошқатдан йиғиб чиқади. Устага кўрсатишнинг ҳожати йўқ. Бошқа ўғиллар ҳам шундай. Эшик-дераза ясашми, пол ёки томнинг тунукасини қоқишми — ҳамма ишни ўзлари қилишади. Ҳатто шу иморатга ишлатган ёғочни ҳам сотиб олганимиз йўқ. Оққўрғон туманида опам турадилар. Бундан 7 йил олдин поччамларнинг тоблари қочиб, биз кўргани бордик, боғларининг этагида 8-9 сотихча ер бўш ётган экан, опам шу жойга бирон нарса экиб ол, ер увол бўлмасин, деб қўймадилар. Терак экдик. Бизникигина эмас, жиянларнинг ҳам иморатлари шу тераклар билан битди.

— Домла, меҳнатсеварлик болаларга сиздан «юққан» бўлса керак, — деб ҳазиллашдим. У киши бир жилмайдида, сўнг жиддий тарзда:

— Мендан ҳам кўра болаларнинг онаси — Зулфиядан «юққан» бўлиши керак, чунки у болалар тарбиясига бутун умрини бағишлади. Ўзим ҳам ҳаётда нимага эришган бўлсам Зулфия туфайли эришдим.

Зулфияхоним эса оғзидан бол томиб, фахр ва ғурур билан:

— Бу киши мен ҳақимда сизга бўрттириб гапирибдилар, болаларнинг ҳаммаси отасига тортган, — деди.

Бу оиланинг аҳиллиги ва меҳнатсеварлигининг сабаби эр ва хотиннинг бир-бирига бўлган чексиз ҳурматида экан. Бу оила билан 10 йилдан ортиқ ён қўшни бўлиб яшадим. Лекин бирон марта ҳам эр-хотин ўртасида низо, келишмовчилик, нохушликни сезган эмасман. Аксинча, Шербек Шодмоновнинг номзодлик, докторлик ишини тайёрлашда Зулфия кўп ёрдам берди. Кечаю-кундуз тадқиқотчи эрининг атрофида парвона бўлди. Математика ўқитувчиси бўлиб ишлаш билан бирга рўзғорни эплаш, 6 болани тарбиялаш, уларни вақтида едириб-ичириш, кийинтириш, уйжой, молу-ҳолга қарашга улгурди. Болаларини ҳам рўзғор ишларини бажаришга ўргатиб борди.

Умаржон ВАЛИЕВ

Андижон вилоятининг Улуғнор туманидаги «Улуғнор» ширкатлар уюшмасининг чорвачилик хўжалигида қўзилатиш мавсуми бошланиб кетди. Уюшманинг бош чўпони Абдусаттор Холиқулов бу йилги қўзилатиш мавсумида 360 бош совлиқдан жами 368 та соғлом қўзи олишни режалаштирган. Ҳозиргача тажрибали чўпон 30 тача қўзи олишга муваффақ бўлди.

Суратда: Абдусаттор Холиқулов яйловда.
Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

Йўллар узоқ, кўнгиллар туташ

Ислоҳот йўлларида

Мустақилликнинг илк йилларида янги тизимни барпо этиш, янгича ишлаш услубини яратиш барча корхоналар қатори «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компаниясининг ҳам чекига тушди. Ҳозирги кунда ривожланган давлатлар деб эътироф этилаётган мамлакатларнинг ўтиш даврига назар солинса, собиқ тизимдан янги тизимга тўлаликча ўтиб олиши учун ўрта ҳисобда эллик йиллаб вақт керак бўлгани аёнлашади. Қисқа давр ичида биз Европани, дунёни забт этишга эришдик. Энг обрўли ташкилотларга, халқаро ҳамжамиятларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлдик. Мамлакатимиздан Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё почталари эса «Халқаро почта» ҳамжамиятига аъзоликка қабул қилинди. Европа билан Осиёни боғлашда воситачиликни аъло даражада бажаришаяпти. Бугунга келиб почта тизими ҳам республикамизга четдан валюта олиб киришда муҳим рол ўйнаяпти. Мухбиримиз «Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти раиси Нормахмат Муҳаммадиевга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Термиз шаҳрининг Ўзбекистоннинг жанубдаги келинчагидек ораста ланганини кўриб, барибир ўзингга ўзинг беклигинг яхши-да, деган ўй кечди хаёлимдан. Бу борада «Сурхондарё почтаси»нинг ҳам ҳиссаси бор. Қоласверса, энг долзарб палла — обуналар мавсуми давом этмоқда. Шу кунларда қилинаётган ишлар хусусида нима дея оласиз?

— Биласизми, замонавий технологиясиз почта тармоғини тасаввур қилиш қийин. Бу замон талаби. Бугунга келиб барча почта тармоқларимизни электрон тарозилар ва компьютерлар билан таъминлашга эришдик. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги Бош директори Р. Абдуллаев яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ҳамда «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси раҳбариятидан миннатдормиз. Энг катта ютуғимиз барча туманларда почта тизимини сақлаб қолдик, уларнинг меъёрий ишлашига эришдик. Бундан қишлоқ аҳли ҳам хурсанд. Шу кунларда почта хизматини тезкорликка олиб чиқиш борасида чопарлик хизматини йўлга қўйдик. 1640 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар ҳамда хусусий фирмалар билан шартномалар туздик.

Темир йўл почта алмашув маркази биносини шарқона услубда қайта қурдик, теннис кортимиз бор. Вилоятимиз ҳокими Жўра Норалиев почта ишларини назорат қилиб бормоқдалар, бизга доимо ғамхўрлик кўрсатадилар. 2000 йил учун обуна ва бошқа хизматларда ижобий натижаларга эришдик. Ҳозирги кунда хат, пул жўнатмалари ва газета тарқатишдан ташқари яна ўн тўртдан ошиқ янги хизмат турларини жорий этдик. Булардан Давлат автомобиль назорати жарималарини йиғиш, электр энергиясидан тушумларни, газ ва сув тўловларини йиғиш, суғурта компаниясининг агентлик вазифасини бажариш, наш р турлари савдосини ташкил этиш ва бошқа хизмат турларини бажараяпмиз.

— Вилоят тоғли ҳудудларига отларда, қайиқларда почта юклари етказилар экан...

— Тўғри, вилоятимизнинг маълум қисмини тоғли қишлоқлар ташкил этади. Сариосиёнинг тоғли қишлоқларига Тўполон сув омбори орқали қайиқда 20 дақиқада сузиб борилади. Дарё ортидаги аҳолига пенсия пулларини ва бошқа юкларни етказишда вилоят ички ишлар бошқармаси катта ёрдам кўрсатмоқда. Ўтган саккиз йил ичида энг чекка қишлоқлар билан ҳам почта алоқалари боғланди. Мамлакатимиз марказидан ёки бошқа юртлардан келаётган хатлар, юкли жўнатмалар узоғи билан уч-тўрт кун ичида эгасининг қўлига тегади.

Шу билан биргаликда хайрия тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Кам таъминланган оилалардан ўн бир боланинг суннат тўйини қилиб бердик. «Алла» танлови ўтказдик. Бойсун туманидаги болалар уйи тарбияланувчиларини мамлакатимизда чиқадиган газета ва журналларга бепул обуна қилдик. Шунингдек, ўзимизнинг «Жануб вақти» газетамизга эга бўлдик. Бу йилги обуналаримиз чакки эмас. Қисқа давр ичида газетамиз ўз мухлисларига эга бўлди.

Ортиқча харажатларнинг олдини олиш мақсадида барча алоқа бўлимларини автоулов билан таъминладик, натижада қўшимча даромад олишга эришдик. Вилоят почта тизимида 1061 киши хизмат қилади.

Бизнинг ишимиз ҳам масъулиятли иш. Вилоят прокуратураси, Ички Ишлар бошқармаси, Давлат автомобиль назорати, Давлат солиқ инспекцияси ва бошқа нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритишимиз сабаб халқаро почта хизматига тегишли воситачиликни ҳам беками-кўст бажараяпмиз. Почтамиз энг нуфузли ҳиссадорлик жамиятига айланди. Халқ почтага кела бошлади, келажакдаги режаларимиз ҳам халқимизга хизмат қилиш.

Суҳбатдош: Юсуф ЖЎРАЕВ

Оғуга «ем» бўлган олчоқлар

Қора қилмиш

Гиёҳвандлик моддалари билан олди-сотти қилувчилар, ташувчи ва тарқатувчилар тобора пинҳона усуллар билан ўзларининг қинғир ишларини давом эттиришмоқчи бўлаяптилар. Бироқ, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қатори ички ишлар ходимлари ҳам уларнинг турли хил найрангларини фош этишмоқда.

Бухоро шоҳбекати тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари ҳам бу борада самарали натижаларни қўлга киритишаётир. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ юздан зиёд жиноятлар фош этилди. Жиноятчиларнинг барчасига тегишли жазо чоралари кўрилди. Бироқ, минг таассуфлар бўлсинки, гиёҳванд моддаларини темир йўллар орқали ташишга уринаётганлар сони камаймаяпти.

Яқинда ходимларимиз «Душанбе-Волгоград» поездининг 11-вагони 1-жойида кетаётган йўловчи, Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида яшовчи фуқаро Камолитдин Нигматовни гумонсираб бўлимга олиб келишади. Тезкор тадбирлар натижасида унинг гиёҳванд модда ютиб олганлиги аниқланди. Биринчи куни унинг чиқарув аъзосидан 32 дона слим халтачага ўралган ичига 160 грамм героин моддаси солинган шарикчалар олинди. Иккинчи куни эса яна 6,5 грамм гиёҳванд моддаси 2 дона шарикчада туширилди.

Айнан шу куни ўша вагоннинг 12-ўриндиғида сафарга кетаётган тожикистонлик Тоғаймурод Шаропов ҳам ички ишлар ходимлари диққатини тортади. Унинг бежо ҳаракатидан гумонсираган жиноят қидирув бўлинмаси ходимлари уни ҳам текшириб кўришганида бу шахснинг 160 граммга яқин миқдордаги героинни 35 дона слим халтачага солиб ютиб олиб кетаётгани маълум бўлади. Унинг тушунтиришича, ушбу моддани у Душанбе шаҳридан сотиб олган ва Волгоград шаҳрига олиб бориб сотмоқчи бўлган экан.

Худди шунингдек, мазкур поезднинг 4 вагон 22-жойида хотиржам кетаётган тожикистонлик Соҳибназар Расулов ҳам юқоридаги биродарлари сингари 100 граммдан зиёд героинни «ютган» экан. Унинг айтишича, ушбу героинни унга нотаниш киши берган бўлиб, мабодо буни у Волгоградга етказиб берса, унга 300 АҚШ доллари миқдорида ҳақ бершини ваъда қилибди.

Расулов сингари Қурбон Худойназаров ҳам 220 грамм героинни ичига ютиб олиб кетаётганида сири фош бўлди. Чунки унинг кўрпа жилди орасига яшириб қўйган озгина миқдордаги гиёҳванд моддасини ички ишлар ходимлари топиб олгач, ошқозонидаги 27 дона шариксимон гилзага жойланган «овқат» ҳам топиб олинди. У ҳам Расуловга ўхшаб 300 доллар учун жонини гаровга тикканлардан бўлиб чиқди.

Тожикистон республикасининг Қўлоб вилоятида яшовчи 1976 йилда туғилган Файзули Сафаров 220 грамм,хисорлик Абдужаббор Солиевдан ҳам шунча миқдорда елим халтачаларга ўралган героин гиёҳванд моддаси олинди.

Дастлабки суриштирувлардан маълум бўлишича, улар бу гиёҳванд моддаларни Москва ва Саратов шаҳарларигача етказиб беришса, уларга буюртмачилар 300 АҚШ долларидан хизмат ҳақи беришар экан.

Хуллас, заҳар ютиб жонини гаровга қўйиб пул топиш уларга қимматга тушди.

Албатта, бу одамларнинг 300 доллар учун ўз ҳаётини гаровга қўйгани аянчли ҳолдан ўзга нарса эмас. Чунки инсон соғлиғи ҳар қандай қимматбаҳо нарсадан устун туради.

Гиёҳванд модда ютганларнинг кўпчилиги «халтачалар»нинг ошқозонда ёрилиб кетиши туфайли оламдан кўз юмишмоқда. Масалан, «Душанбе-Волгоград» поездининг 12-вагонида кетаётган йўловчи — тожикистонлик М. Акбаров ҳам бирдан ҳушидан кетгани туфайли зудлик билан касалхонага олиб борилди. Лекин, шифокорларнинг уриниши зое кетди. Кўп миқдорда гиёҳванд моддани ютиб олган ва шу йўл билан уни Волгоградга етказмоқчи бўлган Акбаров касалхонада бу дунёдан кўз юмди. Мутахассислар унинг ошқозонидан елим халтачаларга ўралган 176 грамм миқдорида героин моддасини олдилар.

Хуллас, бировларни заҳарламоқ ниятида «заҳар» ютиб йўлга отланган бу кимсаларнинг «сафари» шундай ниҳоясига етмоқда.

Амин ҚОДИРОВ,
Нақлиёт ИИБ Бухоро шоҳбекати тармоқ ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори.

«Ажал уруғи» мусодара қилинди

Чили махсус хизмати Арика бандаргоҳида 7 тонна наркотик кокаинни мусодара қилди. Чили махсус хизмати АҚШнинг наркобизнесга қарши кураш бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда Арика бандаргоҳига келган Панаманинг «Натива» кемасини текширувдан ўтказиш натижасида катта миқдорда наркотик моддани фош этди. Кемадаги турли миллатга мансуб, жумладан, перулик, венесуэлалик ва украиналик 20 нафар киши ҳибсга олинди.

Маълум бўлишича, 7 тонна кокаин Колумбиядаги наркотик модда етиштирувчи корхоналардан бирига қарашли бўлиб, Эквадор қирғоқларида ишлаб чиқарилган. У Чили орқали АҚШ ва Европа мамлакатларига юборилиши керак эди.

Миналарга қарши кураш

Япония пиёдаларга қарши ишлатиладиган миналарни йўқ қилишга киришди. Шу муносабат билан Синасахи шаҳридаги мамлакат қуролли кучлари базаси ҳудудида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Бош вазир Кейдзо Обути иштирок этиб, Япония бундай қуролларни йўқ қилиш ва ишлаб чиқармаслик ҳамда миналардан талофат кўрганларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасида муҳим тадбирларни амалга оширажагини таъкидлади.

Оттава халқаро конвенцияси шартларига кўра, Япония 2003 йилнинг февралигача бир миллионга яқин минани йўқ қилиши зарур. Мазкур халқаро ҳужжатга ҳозир 135 мамлакат имзо чеккан. Ушбу давлатлар ўн йил давомида ўз ҳудудидаги бундай миналарнинг бутунлай ҳаммасини йўқ қилмоғи лозим.

Жиноятчилик илдизлари

Жанубий Африка Республикасида (ЖАР) жиноятчиликнинг тобора илдиз отиб бораётгани, мамлакатга хорижий сармоянинг киришига жиддий тўсқинлик қилаётир. Маҳаллий мутахассисларнинг таъкидлашича, ЖАР жиноятчилик борасида ҳозир дунёда бешинчи, қотиллик ва ўғрилик бўйича эса биринчи ўринда туради. Шунингдек, автомобиль ўғирлиги борасида саккизинчи ўринни эгаллайди.

Хорижий сармоядорлар ишончини оқлаган мамлакатлар рўйхатида ЖАР сўнгги ўринлардан бирида туради. Бунинг асосий сабаби мамлакатда тадбиркорларнинг шахсий хавфсизлиги кафолатланмаганидир.

Сафар давом этмоқда

БМТнинг қочоқлар бўйича Олий комиссари Садако Огата Африка бўйлаб 10 кунлик сафарини Танзаниядаги бурундилик қочоқлар лагеридан бошлади. Мазкур лагер ўтган йили тузилган бўлиб, унда 20 мингдан зиёд қочоқ бор. Улар Бурундидаги элатлараро қонли тўқнашувлар туфайли юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Ҳозир қочоқлар оғир шароитда яшамоқда. Жумладан, уларга ичимлик сув ва озиқ-овқат етишмайди.

Маълумотларга қараганда, сўнгги олти йилда Бурундида тутси ва хуту элатлари ўртасидаги тўқнашувлар оқибатида 200 минг киши ҳалок бўлган.

Жазоир халқи тинчлик истайди

Инсоният XXI асрга қадам қўймоқда. Айни пайтда дунёнинг турли минтақаларида давлатлараро ва ички урушлар давом этаётир. Афғонистон, Жазоир, Конго Демократик Республикаси, Ангола, Индонезия, Яқин Шарқ минтақаси, Туркия армиясининг ўз аҳолисининг бир бўлаги бўлган курд жангариларига қарши уруш олиб бориши, Қувайтдаги уруш... Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

XX асрнинг охирги йилида турган барча мамлакатлар экстремизм, фундаментализм, терроризм каби ҳаракатлардан азият чекяпти.

Бундай омиллар бугунги кунда Африканинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Жазоир мамлакатига ҳам хавф солаётир. Мамлакатда 1998 йилга келиб тинчлик ва барқарорлик ўрнатилгандай бўлди. Лекин ҳукумат билан ярашишни истамаган қуролли жангарилар ҳамон Жазоирнинг жанубий туманларида террорчилик ҳаракатларини содир этишмоқда.

Жазоир президенти Абдулазиз Бутефлика айни шундай қуролли гуруҳлар учун ультиматум қўйди.

Президент баёнотида айтилишича, 1997 йил октябрь ойидан бери тинчликка амал қилаётган гуруҳ Жазоир жамиятига қайтадан бирлашиш учун тарқалиш ҳақида қарор қабул қилди. Гуруҳ томонидан тарқатилган баёнотда эса шундай қарорга келингани тасдиқланди. Аммо Жазоирнинг қолган икки исломий гуруҳи ҳукуматнинг тинчлик муросаларини рад қилди. Шуни эслатиб ўтиш керакки, саккиз йилдан бери Жазоирда бошланган фуқаролар уруши туфайли жаҳон оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, юз мингдан ошиқ одамлар нобуд бўлган.

Аслида эса, Жазоирдаги фуқаролар уруши туфайли ғарб матбуоти айтаётганидек, юз минг эмас, балки 25-30 минг атрофида одам ҳалок бўлган, дея инкор этади Жазоирнинг расмий доира вакиллари.

Яқинда Жазоирдаги қора кучлар фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиши учун пухта режа ишлаб чиққан эдилар. Лекин уларнинг хунрезликларни авж олдириш йўлидаги уринишлари беҳуда кетди. Бундан 2-3 ой аввал Жазоир исломий қутқариш жабҳасининг етакчи раҳбарларидан бири Абдулқодир Хачанийнинг ҳаётига суиқасд қилинди. Исломий жабҳанинг энг юқори лавозимли аъзоларидан бири бўлган Хачаний тиш докторига келаётган пайтда отиб ўлдирилган. У исломий қутқариш жабҳасига 1991 йилдан буён раҳбарлик қилиб келарди. Энди Африканинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Жазоирнинг 80-йиллардан кейинги тарихига бир назар солайлик. 80-йилларга келиб ҳали ўзлаштирилмаган нефть ва бошқа табиий бойликларига эга бўлган Жазоир оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволга тушиб қолди. Ҳарбийлар аста-секин ҳокимият тепасига чиқишди. Юзага келган сиёсий ва иқтисодий инқироздан чиқиб кетиш мақсадида Жазоир демократия йўлини танлади. Демократиянинг асосий тамойилларидан бири бўлган кўппартиялиликка рухсат этилди. Бу ўзгаришлар асосида исломий қутқариш жабҳаси дунёга келди. Партия кенг қўламда фаолият олиб бориш ва жамоатчиликни ўз атрофида бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Курраи замин қиёфаси

1992 йили парламент сайловларида исломий қутқариш жабҳаси ғалаба қозонганидан саросимага тушган армия ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолишга қарор қилди. Сайловларда ғалабани қўлга киритиб, ҳокимиятга яқин йўлатилмаган партия ичида бўлиниш юзага келди. Уларнинг бир қисми қуролли кураш йўлини тутса, қолган қисми бу йўлни инкор этди. Жабҳа бир неча оқимлардан иборат бўлгани ҳамда уюшган кучли партия бўлмагани учун бўлакларга парчаланди. Худди шу вақтдан бошлаб Жазоирда қирғинбарот бошланди. Гўдаклар, аёллар, қариялар ўлдирилмоқда. Ҳукумат ҳам, қуролли кураш йўлини тутган исломий қутқариш армияси ҳам мамлакатда давом этаётган хунрезликларда бир-бирларини айблашди.

Исломий қутқариш жабҳаси раҳбарларидан бири Жазоир ҳукуматини ҳарбий мафия деб айблаб, ҳалокатли аҳволнинг бутун жавобгарлигини, зўравонлик ва террорчилик ишларини шу жумладан, портловчи қурилмалар ўрнатилган автомобиль тузоқлари ва оммавий қирғинларнинг жавобгарлигини ҳукуматга ағдарди. Шунингдек, мухолифат томон Франсияни танқид қилиб, Жазоирдаги салбий вазиятдан манфаатдор бўлган ягона тараф дея талқин этишди.

1999 йил апрель ойида мамлакатда президентлик сайловлари ўтказилди. Унда мамлакатнинг етакчи партияси раҳбарларидан бири Абдулазиз Бутефлика ғалабани қўлга киритиб, Жазоирдаги барча сиёсий партияларни шу жумладан, ислом озодлик жабҳасини ҳам миллий ярашувга чақирди. Бу чақириқни барча томонлар ижобий кутиб олгани туфайли бир қадар қирғинбаротга чек қўйилди. Бутефлика қўли қонга ботмаган ҳамда кишиларни қатл қилишда қатнашмаган барча жангариларни авф этиш тўғрисида кўрсатма берди. Шунга қарамай, мамлакатнинг ғарбий туманларида тинч, бегуноҳ аҳолидан бир ой ичида 200 дан ортиқ киши ўлдириб кетилди. Минтақада аёллар, гўдаклар ва ёрдамга муҳтож бўлган барча ночор кимсаларнинг ҳаётига тажовуз қилиняпти. Лекин, жанговар ҳаракатларни олиб бориш учун қурол-аслаҳа, моддий таъминот Жазоирда қаердан пайдо бўлиб қолди, деган савол ҳамон очиқ қолмоқда. Чунки, бу мамлакатда шунча миқдорда қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш имкони йўқ, албатта.

Демак, хорижда Жазоирда сиёсий беқарорлик вазияти сақланишидан манфаатдор бўлган кучлар мавжуд.

Зеро, Жазоирнинг оддий меҳнаткаш халқи тинчликпарвардир. Шунданам тез орада ҳукумат ўзига хавф солаётган террорчиларга қарши зарба бериб, Жазоир қаддини тутиб олади, деб умид қиламиз.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

Кураш ўзбекнинг қонида бор

Спорт — жаҳонга танитдинг бизни!

«Мен ишонаман: дунёга машҳур паҳлавонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз маънавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган кураш бугундан эътиборан янги ҳаётни бошлайди, янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг севимли машғулотига айланади». Мамлакатимиз Президенти, халқаро кураш ассоциациясининг фахрий Президенти Ислом Каримовнинг кураш бўйича Тошкентда ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимида айтган бу сўзлари мутлақ ижобатга айланмоқда, деб дадил айтиш мумкин. Боиси, халқаро мақом олган курашнинг нуфузи жаҳон миқёсида тобора ортиб бормоқда. Курашнинг олимпия ўйинлари қаторидан жой олиши, том маънода XXI аср спорти сифатида эътироф этилиши учун ҳаракатлар қилинмоқда.

Афсуски, кейинги етмиш йил мобайнида бундай жисмоний ва руҳий тарбия омилига беписанд қаралди, тан олинмади. Ҳайтовур илдизи чуқур ва бақувват экан. Истиқлол нафасидан баҳра олиб, яна бўй кўрсатди. Ўзбек кураши тарихида ёрқин саҳифа бўлган, замонавий спорт тури сифатида эътироф этилган муҳим сана — 1998 йилнинг 6 сентябрь куни 28 давлат вакиллари иштирокида ўтказилган дастлабки Халқаро конгрессда кураш тан олиниб, унга истиқболли спорт тури сифатида тамал тоши қўйилган эди.

Дунёда курашимизни эслатадиган, баъзи жиҳатдан унга ўхшаб кетадиган спорт турлари мавжуд. Улардан бири самбо 1929 йили юзага келган бўлса, беллашувнинг оммавий турларидан саналувчи дзюдога 1832 йили асос солинган экан. Ўзбек курашининг тарихи эса бундан-да узоқларга бориб тақалади. Биз фахрланиб, ғурурларга тўлган ҳолда курашимиз илдизлари деб қиёсласа арзигулик Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Алпомишу Рустами достонлар номини тилга оламиз. Аслида ўзбек кураши мактабини яратганлар ҳам ўшалар.

Зеро, замонавий курашни бугунгидек баобрў спорт турига айлантириш ҳам ўзича бўлгани йўқ. Хусусан, саккиз йил аввал илк бор миллий спорт турларини халқаро майдонларга олиб чиқиш ҳақида муҳокама, мунозара бошланганди. 1992 йили жаҳон андозаларига мос кураш бўйича беллашувлар уюштирилди. Қорақўллик Турсун полвон, кейин Ат-Термизий, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд, Мирзо Бобур хотираларини ёд этишга бағишланган баҳслар ўтказилди. Шу йили Канадада дзюдо бўйича жаҳон чемпионати теграсида уюштирилган халқаро конгрессда биринчи марта ўзбек кураши тарғиб қилинди. Хиросимада ўтган Осиё ўйинларида курашимизга оид турли маълумот, ахборот ҳамда видео тасвирлар намойиш этилди. 1995 йили Ҳиндистонда ўтказилган дзюдо бўйича Осиё конгрессида ҳам кураш ҳақида етарли маълумотлар эълон қилинганди. 1998 йили курашни дунёга ёйишда самарали давр бўлди. Ирландияда ҳамда Монако шаҳрида ўтказилган йиғинларда ҳам юртдошларимиз иштирок этиб курашнинг замонавий спорт тури экани ҳақида жонбозлик кўрсатдилар. Ана шу тариқа пойтахтимизнинг «ЖАР» спорт мажмуида оз эмас, кўп эмас — 28 мамлакатнинг байроқлари ҳилпираб карнай-сурнайлар кураш бўйича халқаро мусобақа бошланишидан дарак берди.

Франс Хугендайк — Голландия. «Полвонларнинг кўк ва яшил либосда беллашишлари кураш қоидасига атайлаб киритилган. Боиси бу ўзбек байроғининг рамзи. Ҳакамнинг беллашувни «Ҳалол», «Ёнбош», «Чала», «Ғирром», «Танбеҳ», «Дакки» каби ўзбек атамалари билан баҳолаши курашнинг миллийлигидан нишонадир».

Гентаутас Вилейта — Литва. «Кураш орқали миллат маданияти, маънавияти тарихи жаҳонга олиб чиқилади. Спорт миллатларни дўстлаштиради».

Нуфузли мутахассисларнинг фикри-мулоҳазаларидан ҳам кўриниб турибдики, курашимизнинг келажаги порлоқ. Мухлислар Тошкентда байрамона ва тантанавор руҳда ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатини яхши эслайдилар. Ўшанда полвонларимизни курашнинг барча қонун-қоидаларини расамади билан намойиш этиб, фахрли ўринларни эгаллашган эди. Яқинда эса Белоруссия пойтахтида биринчи марта кураш бўйича Оврўпа чемпионати ўтказилди. Унда 12 давлатдан тўпланган полвонлар ўзаро беллашдилар. Қизиғи шундаки, газеталарда: «ким ютса фахрий ўзбек бўлади» деб ёзилди. Боиси ғолибларга анъанавий тўн-дўппилар кийгизилганди. Курашга ошуфта полвонларга бундай беллашувдаги тез, чаққон ҳаракат, чапдастлик маъқул келмоқда.

Ўзбекистонда мутахассислар спортнинг бу тури тарихни илмий асослашга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, «Кураш кеча, бугун, эртага» мавзуида уюштирилган илмий-амалий конференцияда муҳим фикрлар ўртага ташланди. Юртимизда «Кураш — менинг фахрим» ойлиги ўтказилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, курашнинг фарғонача усули ҳам янги қоидалар асосида кашф этилиб, унга «Белбоғли кураш» номи берилгани ва спортнинг бу тури бўйича ҳам халқаро баҳслар ўтказилаётгани ҳақида сўз юритилди. Айниқса, Бразилия дзюдо федерацияси президенти Жоао Шифферринг дил сўзлари ўқиб берилди. Унда шундай дейилган: **«Мен чин дилдан ишонаман, миллий спортингиз тезда жаҳонга машҳур бўлади».** Биринчи Европа чемпионати иштирокчиларининг йўлбошчимизга йўллаган мактубида эса: **«Ўзбекистон жаҳон спорти тарихида янги саҳифа очди»,** деган сурурбахш сўзлар бор.

Бобокалонимиз Амир Темур — Фарзандлари бақувват элнинг давлати қудратлидир деганлар. Бу ўринда афсонавий Паҳлавон Маҳмуднинг мардлиги ҳақидаги бир ривоятни эслаш жоиз. Унда айтилишича, Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистонда ўтказилган беллашувларда ҳиндларга тарафкашлик қилган экан. Шунда ҳиндлар подшоҳи Рай Ропой Чўнани ўлимдан қутқарган. Бундан мамнун шоҳ Пахлавонга «тила тилагингни» деган. Паҳлавон эса молдунё, олтин-кумушдан кечиб, бир замонлар Ҳиндистонда асирга олинган хоразмликларни озод этишни сўраган. Мана, сизга полвонларнинг мард ва тантилиги, юртсевар ва ватанпарварлиги.

Ҳозир пойтахтимизда Халқаро кураш академияси фаолият кўрсатмоқда. Бундай илм масканига зарурат катта. Чунки ўзбек кураши мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги ўзига хос таширифномасига айланмоқда. Қарийб 200 давлатда кураш миллий федерациялари тузилаётгани ҳам шундан далолат. 2000 — 2008 йилга мўлжалланган дастур устида иш олиб борилмоқда. Яна бир янгилик: олимлар болаларнинг спортнинг қайси турига лаёқатли эканини илмий асослашга замин ҳозирлашмоқда. Халқ ўртасида юрадиган «қонида бор» деган ибора исботини топмоқда. Мутахассислар қон текширувларида инсон ирсиятида ҳар бир фарзандда спортнинг қайси турига мойиллигини аниқлашга имкон берадиган нимадир борлигини аниқлашмоқда.

Ўзбек курашининг дунё бўйлаб нечоғли оммавийлашиб бораётгани ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Айтайлик, Ҳиндистонда кураш мактаб дарслигига киритилди. Қизиғи шундаки, ўзбек кураши мамлакат парламентида муҳокамадан кейин мактаб дастуридан ўрин олган. Англияда эса кураш заллари бунёд этилмоқда. Японияда «Кураш» журнали чоп этилмоқда. Булар бежиз эмас. Чунки курашда инсонпарварлик, ватанпарварлик, олийжаноблик, мардлик, поклик каби фазилатлар уйғун. Гўзал ва мафтункор ҳаракатларга бой кураш муҳлислари сафи ортмоқда. Курашчи полвон насл-насабини улуғлаб, миллий қадриятларимизни эъзозлаб, маънавиятимизнинг янада бойишига хизмат қилмоқда. Кураш миллат ифтихорига айланмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Дўппи ҳаммага ҳам ярашаверади

Ватанни сев, тупроғини ўп,
Ҳар қаричи муқаддас бизга.
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп
Жондан азиз юрагимизга.

Ушбу сатрларни эслаганимда кўз олдимда аввало, Борис Иванович Кан намоён бўлади. Борис отани дастлаб вилоятдаги расмий идоралардан бирида кўрган эдим. Бошига чуст дўппи кийган нуроний бу кишига барча алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатарди. Аввалига уни ўзимизнинг ўзбек отахонларимиздан, деб ўйлабман. Айниқса, ўзбекона лутф ила саломалашишлари, ўзини тутишлари менда ҳам ҳурмат ўйғотди. Борис отани суҳбатга тортдим.

— Сизни Ўзбекистоннинг асл фарзанди дейишади, шу ростми?

— Оиламиз 1937 йилда Ўзбекистонга сургун қилинган. Ўшанда бир ёшда бўлган эканман. Дастлаб Каттақўрғонда, кейинроқ, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида яшадик. Қаерда яшамайлик, ўзбеклардан фақат меҳр-оқибат, яхшилик кўрдик. Бошқа республикаларга сургун қилинган таниш-билишларимизнинг кўпчилиги ўша пайтларда очликдан, машаққатдан оламдан ўтишган. Яратганга шукрлар бўлсинки, биз ўзбек биродарларимиз диёрига келиб тушдик. Ниҳоятда оғир бўлган 37-йилларда оиламиз ҳар қадамда самимий муносабатга дуч келган. Ана шу бағрикенглик мурғаклигимдаёқ бу диёрга нисбатан садоқатни шакллантирган бўлса не ажаб.

Бир гал Жанубий Кореяда туристик сафарда бўлганимда қолишни таклиф қилишди. Дарҳол рад этдим. Чунки, Ўзбекистонни дунёдаги ҳар қандай мамлакатдан, ҳар қандай юртдан устун қўяман. Ҳар бир чўпи, тупроғининг ҳар бир зарраси шу даражада қадрлики, ҳатто бирон дақиқа Ватандан айро яшашни тасаввур қилолмайман.

— Дўппи сизга ярашар экан...

— Тўғриси, кўплаб миллий либосларни кўрганман. Негадир улардан бирортаси ўзбек миллий либосларидек манзур бўлмаган. Чўҳ дўпписини айтмайсизми... уйда чапоним бор. Дўппини Самарқанд шаҳрида техникумда ўқиб юрган вақтларимдан бошлаб кийганман. Ҳатто, Москвада Озиқ-овқат институтида таҳсил олган кезларимда ҳам фахр билан дўппи кийиб юрганман. Ўша пайтларда бу одатим учун «қолоқ», «замондан орқада қолган» деб устимдан кулганлар ҳам бўлган. Лекин булар қатъий фикримдан чалғита олмаган.

—Миллий санъатга муносабатингиз?

— Ўзбек классик санъатига гап йўқ. «Чўли ироқ», «Муножот», «Дилхирож» каби куй-қўшиқларни тингласам, сел бўлиб кетаман. Қўшиқ усталари Ботир Зокировнинг овозини ҳеч нарсага алишмайман. Раққоса Малика Аҳмедова ҳиром этганда унинг сехридан борлиқни унутаман...

Борис отанинг юртимизга меҳр-муҳаббати ана шунақа чексиз, чегарасиз. 63 ёшли нуронийни ўзидан фақат яхшилик қолдиришга ундаётган куч, шу туйғу эмасмикан. Айни пайтда у киши ўзи яшаётган Жиззах шаҳридаги «Ёшлик» маҳалласида кўптармоқли хусусий фирмага раҳбарлик қилади. Фирма ташландиқ қоғозлардан тухум идишлари тайёрлайди. Халқ табобати асосида ишлайдиган фин ҳаммоми мавжуд. Юзлаб кишилар бу ердан ўз саломатликларини тиклаб кетишаяпти. Ҳамма қулайликларга эга бўлган мазкур саломатлик масканида уқалаш йўли билан қандли диабет барча турдаги шамоллаш касалликлари билан оғриганлар даволанишади. Бундан ташқари Борис Иванович Кан вилоятдаги қутуриш касаллигини тарқатувчи ҳайвонларни йўқ қилувчилар жамияти раиси ҳамдир.

Бир сўз билан айтганда, Борис отани Ватанга меҳр-оқибатли, меҳнаткаш фарзанд тимсоли десак хато бўлмайди. Чунки, у киши бирон бир хайрли иш қилинмаган кунни ҳисобдан чиқариб ташлайдиганлардан.

Дилоғул ЖЎРАЕВА,
Жиззах вилояти

Истеъфодан кейинги ҳаёт

Талабга кўра махсус маслаҳатчи

Японияниг собиқ бош вазири Рютаро Хасимотоннинг омади келди. Гап шундаки, у бундан икки йиллар аввал муддатидан илгари истеъфога чиқишга мажбур бўлганди. Чунки унинг либерал демократик партияси сайловларда етарли миқдорда овоз ололмаганди. Лекин ҳокимият тепасида қолган Япония консерваторлари уни унутишмади. Биринчидан бош вазир курсисига унинг ўринбосари — мамлакат ташқи ишлар вазири Кейдзо Обути ўтирди. Иккинчидан янги бош вазир Хасимотони ҳеч қачон учрамайдиган фахрли ва масъулиятли ҳукумат лавозими — бош вазирнинг ташқи сиёсат бўйича махсус маслаҳатчиси лавозими билан сийлади.

Бунинг сабаби маълум. Хасимотонинг Россия Президенти билан Красноярскдаги учрашуви пайтида балиқ ови ва ҳаммомдан кейинги қиттак-қиттакдан сўнг икки мамлакат ўртасида тинчлик шартномаси тузиш ҳақида келишиб олинди. Айнан 2000 йилгача шартнома имзоланмоқчи эди. Кейин эса Ельцинлар оиласи Японияниг Кавандаги курортида 24 соат меҳмон бўлди. Бунда галстуксиз, норасмий учрашув-ўюштирилиб, балиқ ҳам бо-албатта овига ришди. Ўшанда Рютаро Хасимото Куриль ороллари муаммосини ҳал этиш юзасидан ўзининг махфий таклифини айтди.

Японияликлар ўта нотабиий учрашувлар ва дўстона келишувлар сеҳрига ишондилар. «Можароли ҳудудлар» ҳақидаги масала Япония учун миллий иштихор, деб ҳисобланиши боис, ўз ваколат муддатидан аввалроқ истеъфога чиққан Рютаро Хасимото ҳукумат таркибида қолдирилди.

Лекин умидлар оқланмади. Ельцин Японияга яна бир бор кела олмади. Бироқ шунга қарамай Рютаро Хасимото махсус маслаҳатчи вазифасини бажармоқда. Шу билан бирга унинг алоҳида ишхонаси, котибалари, иккита машинаси, қўриқчилари ҳам бор. Бундан ташқари Хасимото парламент депутати сифатида кўзда тутилган барча имтиёзлардан фойдаланиб келмоқда. Яна собиқ бош вазир сифатида мўмайгина нафақа ҳам олади. Унга махсус офис умрбод берилган. Хизматчилари ҳам бор. Бунга қўшимча равишда айтиш мумкинки, ҳукмрон партияда каттагина маош тўланадиган иш — оқсоқол-маслаҳатчи лавозими берилган.

Ҳа, Рютаро Хасимото ўзини ҳафа қилмайди. Японияниг собиқ бош вазирлари қаторида ҳали ёш кўринадиган Хасимото (у эндигини 60 ёшдан сал ошди) умрбод барча имтиёзлардан фойдаланади.

Японияда бунга ҳеч ким қаршилик қилмайди. Халқ ўзининг доҳийларини ёд этиши ва ҳурмат қилиши зарур. Гарчи улар Японияда гидек тўғридан-тўғри овоз билан сайланмасалар ҳам.

Ҳабиб ҲАЙДАР,
хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрлади

Ташқи савдо айланмаси камайди

Қозоғистон миллий статистика агентлиги маълумотига кўра, 1999 йилнинг январь-ноябрь ойларида мамлакат ташқи савдо айланмаси 9 миллиард 442,9 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу рақам аввалги йилдагига нисбатан 25 фоиз кам.



Қашшоқлик тугатилади

Хитой ҳукумати жорий йил сўнггига бориб, мамлакатда қашшоқлик муаммосини бутунлай бартараф қилишни режалаштирмоқда. Бунинг учун ўн миллион нафарга яқин одамни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш зарур.

Ўтган йили мамлакат бўйича қашшоқлар сонини саккиз миллион нафарга қисқартиришга эришилган.

Фурқат ижодига бағишлаб

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида мумтоз адабиётимизнинг етук вакили Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат таваллудининг 140 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

—Фурқат ижодиётининг ижтимоий аҳамияти шундаки, ёш авлоднинг онгига ватан мустақиллигини сингдиришда муҳим омилдир,— деди филология факультети декани Қозоқбой Йўлдошев.

Анжуманда таниқли олимлар, талабалар иштирок этишди. Айниқса, Фурқат лирикасининг бадиий-маънавий мантиқи тўғрисида қизғин тус олган баҳс-мунозаралар ҳали олдинда ўрганиладиган нарсалар кўп эканлигини англатди.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ

ҲИКОЯТ

Катта йўлда бир ахмоқ билан илмли бир киши жанжаллашиб турардилар. Ҳеч ким уларнинг тортишувини ҳал қила олмасди. Улар ёнига бир кекса келиб, масалани ҳал қилмоқчи бўлди.

— Мен тўғри йўлдан кетаётган эдим, мана бу ўқимишли акам менга бирдан калла қўйиб юборди, — деди ахмоқ киши бидирлаб. — Тўғри, бироқ биз бир-биримизга тўсатдан урилиб кетдик, — деди ақлли киши. — У бўлса мендан кечирим сўрайсан, деб холи жонимга қўймаяпти... Хўп, кечирим ҳам сўрай қолай, аммо айтингчи айб кимда?

— Икки киши йўлда бир-бирига тўқнашиб кетса, бунда иккиси ҳам айбдор бўлади. Ҳозирги вазиятда сен айбдорсан, — деди у ақлли йигитнй кўрсатиб. Шу пайт қайсарлик қилаётган ахмоқ қувониб жўнаб қолди. Доно ақлли йигитга танбеҳ берди:

— Жанжални чиқаришга чиндан сен айбдорсан, чунки тентак билан тенг бўлиш ақлли одамларга ярашмайди.

Юракни эҳтиёт қилинг

Инсон организми юрак иллатларини олдиндан маълум қилади. Шу боис дард аломатларини пайқагач, дарҳол шифокорга мурожаат қилмоқ даркор.

❑ Башарти кўзларингиз остида (пастки киприк тагида) салқиш (шиш) пайдо бўлса бу юрак фаолияти оқсай бошлаганлигининг далолатидир.

❑ Тилнинг орқа томонида пайдо бўлган кўкимтир ранг юрак томирлари заифлашганлигининг аломатидир.

❑ Юрак оғриғи тутишидан бир-икки кун илгари қариялар бироз оқсоқланадилар — бу юракнинг қисқариш мароми ва юрак мускуллари озиқланишининг бузилганлиги аломатидир.

❑ Кечки пайт тўпиқ ва болдирларда шиш пайдо бўлса, бу ҳам юрак заифлашганлигининг белгисидир.

❑ Башарти юқумли ёки вирус касалликлари (грипп, ОРВИ ва бошқалар) билан оғриган кишилар бурун катаклари терисида кўкимтир-қизғиш ранг пайдо бўлса, бу касаллик юракка қолдирган асорат белгисидир.

❑ Лабнинг бўзариши ёки лаб ҳошияларининг рангпар тус олиши юрак томирлари заифлашганлигидан далолатдир.

❑ Кўз қовоғининг ташқи чеккаси осилган бўлса (бу ҳолат одатда семиз одамларда учрайди), бу юракнинг кўп даражада ортиқча ишлаётганлигининг аломатидир.

❑ Терининг пастки лаб билан ияк оралиғидаги қисми увишса — бу юрак инфаркти яқинлашаётганлигининг далолатидир.

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Улуғбек жамғармаси Раёсатининг раиси Оқил Салимовга умр йўлдоши **Лола РАШИДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 125 йиллигига

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва миллий истиқлол тарбияси

Улуғ аждодларимиздан бири, мамлакатимизда жадидчилик ҳаракатининг етакчиси сифатида тан олинган маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудига 125 йил тўлди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йил январда Самарқанд шаҳри яқинидаги «Бахшитепа» қишлоғида туғилган. Унинг отаси Беҳбудхўжа ўғли асли туркистонлик Аҳмад Яссавий авлодларига мансуб эди, онасининг отаси Ниёзхўжа эса Урганч шаҳридан бўлган, тақдир тақозосига кўра уларнинг оиласи Бухоро амири Шоҳмурод даврида Самарқандга келиб қолган.

Ўз даврининг таниқли руҳонийларидан бўлган Беҳбудхўжа 1894 йилда вафот этгач, Маҳмудхўжа тарбияси билан унинг тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқ шуғулланади. М. Беҳбудий диний ва дунёвий билимларни чуқур эгаллаб ўз замонасининг энг илғор ва етук кишиларидан бири бўлиб етишди, тез орада халқнинг диққат-эътиборини қозонди. Дунёқарашининг шаклланиши ва камолотида жадидчилик ҳаракатининг асосчиси, татар халқининг улуғ фарзанди Исмоилбек Гаспринскийнинг таъсири, ўрни ва роли катта бўлди. 1893 йилда Тошкентга келган И. Гаспринский Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлиб, «Усули жадид», «Усули савтия» номлари билан тарихда маълум бўлган янги усулдаги мактаблар очиб, меҳнаткашларнинг фарзандларини маърифат нурлари билан баҳраманд қилишдек олижаноб мақсадлар йўлида ўлкани кезди. Маҳмудхўжа Беҳбудий ана шу кезларда И. Гаспринский билан учрашиб, ундан маънавий ва руҳий озуқа олганлигини, устоз таъсирида унинг жадидчилик дунёқараши такомилига етиб, шаклланганлигини кейинчалик хотирлаб тилга олган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий унинг бутун бошли онгли ҳаёт йўли чор Россияси мустамлакачилик зулми шароитида кечди. У она халқининг оғир қисматини мустамлакачи шовинистларнинг зўравонлик, зулмкорлиқ, камситувчилик, нописандалик ва таҳқирлашдан иборат сиёсатини ўз кўзи билан кўрди. Халқ, миллатнинг асл фарзанди сифатида мустамлакачиликдан қандай йўл ва усул билан озод бўлиш мумкин, деган жумбоққа жавоб топишга бутун қалби-вужуди билан киришди ва дунё кезди. Маҳмудхўжа Беҳбудий шовинистик ва мустамлакачиликдан иборат зулмга қарши кураш бобида ўзининг ҳаётий хулосалари ва тўхтамларини 1899-1900 ва 1914 йилларда икки марта ҳаж сафари баҳонасида Красноводск, Боку, Минеральние води, Пятигорск, Железноводск-Ростов, Одесса, Истанбул, Қуддус, Байрут, Ефа, Халил ар Раҳмон, Порт-Саид, Шом юрти, Маккаи-Мадина, 1903-1904 йилларда Москов, Санкт-Петербург, 1907 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгород каби шаҳарларда бўлган чоғида ҳам тажриба-синовдан ўтказди ва ҳаётий хулосалар чиқарди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон ўлкаси халқларининг чор Россияси мустамлакачилиги зулми асоратига тушганлиги, ўз эрки, инсоний ҳуқуқларидан батамом маҳрум этилиб, занжирбанд ҳолда яшаётганлиги, қуллик ва туткунликдан озод бўлиш йўлини топа олмаётганлигининг асосий ва бош сабабини маърифатсизликдан, илмсизлик, нодонлик ва саводсизликдан, деб билди. Бу борада у халқнинг оғирини енгил қилиш учун янги услубдаги мактаблар очиб, уларда миллатнинг фарзандларига илм-маърифат ҳадя этишга ўзининг асосий диққат-эътиборини қаратди. Ана шу эзгу мақсад йўлида М. Беҳбудий эўр ғайрат ва шижоат кўрсатиб 1903 йилда Самарқанд шаҳри атрофида Халвоий, Ражабалин каби қишлоқларда янги усулдаги жадидчилик мактаблари очди, уларда меҳнаткаш халқ фарзандларини ўқитди. У фақат мактаблар очиш билангина чекланиб қолмади. Балки бу мактаблар учун замонавий рухда ёзилган дарсликлар ҳам яратди. Булар: «Рисолаи асбоби савоб», «Мунтахаби жуғрофияи умроний» (қисқача умумий география), «Мухтасари жуғрофияи русий» · Русиянинг қисқача географияси(. «Мадхали жуғрофияи умроний» Аҳоли географиясига кириш), «Китобат ул атфол» («Болалар учун китоб»), «Мухтасари тарихи ислом» (Исломнинг қисқача тарихи), «Амалиёти ислом», «Ҳисоб» ва бошқалардир. У махсус нашриёт ташкил қилиб ўзи ёзган дарсликлар, қўлланмалар ва хариталарни босиб чиқарган. Булар янги усулдаги илк ўзбек мактаблари учун тузилган дарслик ва қўлланмалар сифатидагина эмас, балки тил-ёзув маданиятимиз тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Маҳмудхўжа Беҳбудий янги усулдаги жадид мактаблар очиш, улар учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари ёзиш ва чоп этиш билангина чегараланиб қолмади. Балки, янги усулдаги мактаблар, улардаги таълим-тарбия жараёнлари масалаларини «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Тужжор», «Хуршид», «Шуҳрат», «Осиё», «Турон», «Хуррият», «Оина», «Самарқанд», «Меҳнаткашлар товуши», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Вақт» ва шунинг сингари оммавий ахборот воситалари саҳифаларида тарғибот ва ташвиқот қилди. Жумладан, «Таҳсил ойи», «Эҳтиёжи миллат», «Самарқанд усули жадида мактаби хусусида», «Мажлис имтиҳон», «Тарих ва Жуғрофия», «Самарқанд китобхона ва матбаахона», «Бухорода усули жадида» кабиларда янги усулдаги жадидчилик мактаблари, улардаги таълим-тарбия тизими, ўқитиш услубиёти, бу мактабларда ўқитилаётган дунёвий фанларнинг янги комил инсонни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти каби истиқлол фидойиларини шаклантиришда ғоятда муҳим ўрин тутувчи муаммолар илгари сурилган эди, Маҳмудхўжа Беҳбудий «Оина» ойномасининг 1914 йил 38-сонида: «Илм-маърифатсиз ҳеч бир миллат Ҳаёт майдонида тура олмас. Хоҳ ул миллат ҳоким ҳақ маҳкум бўлсин, илм маърифатдан маҳрум бўлганлиги учун бошқа санъат ва ҳунар тожи бўлган миллатларнинг оёғи остида эзилурга мажбурдирлар», дейди. Шу боис у миллатнинг барча фидойиларини мактаблар очиш, ёшларни ўқитиш, уларга илм-тарбия беришга даъват этади. «Оина»нинг 1915 йил 10-сонидаги қуйидаги жумлалар ғоятда қимматли ва ибратлидир: «Азиз биродарлар, ўғил тўйларга сарф қилатурган ақчаларингизни шул илм замони йўлига сарф этингиз. Сиздан ўғлингизга мол-мерос қолмаса қолмасин, балки албатта илм ва тарбия мерос қолсин», — дейди у.

Маҳмудхўжа Беҳбудий миллий истиқлол фидойиларини тарбиялаб камолотга етказишда фақат мактаб доираси билангина чегараланиб қолишни етарли эмас, деб ҳисоблайди. У миллат ва халқ учун шундай бир ташвиқот ва тарғибот воситаси керакки унда ҳар бир фуқаро ўзининг акс-садосини кўрсин, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзининг эгаллаган ўрнини, дунёқараш савиясини ва кундалик воқеаларга бўлган муносабатини кўриб ўзига ўзи баҳо берсин ва ундан тегишли зарур хулосалар чиқарсин.

Улуғ мутафаккир театрни бу борада тенгсиз восита деб билди ва унга халқ оммаси кундалик ҳаётининг ойнаси сифатида қаради. Ана шу олижаноб ва эзгу мақсад тақозосига кўра, Маҳмудхўжа Беҳбудий 1911 йилда «Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли» номли драмани ёзди. Бироқ бу асарнинг матбуот юзини кўриши осон кечмади. У фақат 1913 йилдагина жуда кўп уринишлардан сўнг эълон қилинди. Чунки мустамлакачилар турли йўллар билан драманинг матбуотда эълон қилинишига йўл бермадилар. Фақат драма жилдига «Бородино жанги ва Россиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилей санасига бағишланади» деган ёзув билан чоп этиш мумкин бўлди. «Падаркуш» драмасининг саҳна юзини кўриши ҳам осон кечмади. 1914 йил 15 январдагина бу асар Самарқандда саҳналаштирилиб кенг томошабинлар эътиборига ҳавола этилган эди. Маҳмудхўжа Беҳбудий «Миллий фожиа» деб атаган 3 парда 4 кўринишли мазкур драмани саҳналаштиришда маълумотларга қараганда муаллифнинг ўзи режиссёрлик вазифасини бажарган экан. Ана шу жиҳатлар ҳисобга олинса М. Беҳбудий ўзбек миллий театри ва драматургия санъатининг ҳам асосчиси сифатида ном қолдирди.

«Падаркуш» драмасида маърифатдан йироқ, ўқимаган бола нодонлик ва худбинлик йўлига кириб кетади ва у ҳатто ўз отаси қиблагоҳини ўлдириб падаркушлик қилади. Маҳмудхўжа Беҳбудий қиссадан ҳисса чиқариб, асарда ўз қаҳрамони Зиёли орқали халққа, миллатга қуйидагича мурожаат қилади: «Ҳозир янги ва бошқа замонадир. Бу замонга илм ва ҳунарсиз халқни бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қўлидан кетгандек, ахлоқ ва обрўси ҳам қўлдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф бўлур. Бунинг учун биз, мусулмонларни ўқумоққа саъий қилмоқимиз лозимдур. Ваҳоланки, дини шарифимиз ҳар навъ нафълик илм ўқумоқни бешикдан мозоргача бизларга фарз қилгандур. Бу ҳукм - ҳукми шариатдур. Биз, мусулмонларга, алалхусус, бу замонда икки синф уламо керакдур: бири олими диний; дигари олими замоний; олими диний; имом, хатиб, мударрис, муаллим, қози, муфти бўлуб, халойиқни диний ва ахлоқий ва руҳоний ишларини бошқарар, бу синфга киратурган талабалар, аввало Туркистонда ва Бухорода илми диний ва адабий ва бир оз русча ўқуб, сўнгра Макка, Мадина, Миср ё Истанбул бориб, улуми динияни хатм қилсалар керак. Токи комил мулла бўлсунлар...

Олими замоний бўлмак учун бодда муҳим ўрин тутувчи муаммолар илгари сурилган эди, Маҳмудхўжа Беҳбудий «Оина» ойномасининг 1914 йил 38-сонида: «Илм-маърифатсиз ҳеч бир миллат Ҳаёт майдонида тура олмас. Хоҳ ул миллат ҳоким ҳақ маҳкум бўлсин, илм маърифатдан маҳрум бўлганлиги учун бошқа санъат ва ҳунар тожи бўлган миллатларнинг оёғи остида эзилурга мажбурдирлар», дейди. Шу боис у миллатнинг барча фидойиларини мактаблар очиш, ёшларни ўқитиш, уларга илм-тарбия беришга даъват этади. «Оина»нинг 1915 йил 10-сонидаги қуйидаги жумлалар ғоятда қимматли ва ибратлидир: «Азиз биродарлар, ўғил тўйларга сарф қилатурган ақчаларингизни шул илм замони йўлига сарф этингиз. Сиздан ўғлингизга мол-мерос қолмаса қолмасин, балки албатта илм ва тарбия мерос қолсин», — дейди у.

Маҳмудхўжа Беҳбудий миллий истиқлол фидойиларини тарбиялаб камолотга етказишда фақат мактаб доираси билангина чегараланиб қолишни етарли эмас, деб ҳисоблайди. У миллат ва халқ учун шундай бир ташвиқот ва тарғибот воситаси керакки унда ҳар бир фуқаро ўзининг акс-садосини кўрсин, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзининг эгаллаган ўрнини, дунёқараш савиясини ва кундалик воқеаларга бўлган муносабатини кўриб ўзига ўзи баҳо берсин ва ундан тегишли зарур хулосалар чиқарсин.

Улуғ мутафаккир театрни бу борада тенгсиз восита деб билди ва унга халқ оммаси кундалик ҳаётининг ойнаси сифатида қаради. Ана шу олижаноб ва эзгу мақсад тақозосига кўра, Маҳмудхўжа Беҳбудий 1911 йилда «Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли» номли драмани ёзди. Бироқ бу асарнинг матбуот юзини кўриши осон кечмади. У фақат 1913 йилдагина жуда кўп уринишлардан сўнг эълон қилинди. Чунки мустамлакачилар турли йўллар билан драманинг матбуотда эълон қилинишига йўл бермадилар. Фақат драма жилдига «Бородино жанги ва Россиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилей санасига бағишланади» деган ёзув билан чоп этиш мумкин бўлди. «Падаркуш» драмасининг саҳна юзини кўриши ҳам осон кечмади. 1914 йил 15 январдагина бу асар Самарқандда саҳналаштирилиб кенг томошабинлар эътиборига ҳавола этилган эди. Маҳмудхўжа Беҳбудий «Миллий фожиа» деб атаган 3 парда 4 кўринишли мазкур драмани саҳналаштиришда маълумотларга қараганда муаллифнинг ўзи режиссёрлик вазифасини бажарган экан. Ана шу жиҳатлар ҳисобга олинса М. Беҳбудий ўзбек миллий театри ва драматургия санъатининг ҳам асосчиси сифатида ном қолдирди.

«Падаркуш» драмасида маърифатдан йироқ, ўқимаган бола нодонлик ва худбинлик йўлига кириб кетади ва у ҳатто ўз отаси қиблагоҳини ўлдириб падаркушлик қилади. Маҳмудхўжа Беҳбудий қиссадан ҳисса чиқариб, асарда ўз қаҳрамони Зиёли орқали халққа, миллатга қуйидагича мурожаат қилади: «Ҳозир янги ва бошқа замонадир. Бу замонга илм ва ҳунарсиз халқни бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қўлидан кетгандек, ахлоқ ва обрўси ҳам қўлдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф бўлур. Бунинг учун биз, мусулмонларни ўқумоққа саъий қилмоқимиз лозимдур. Ваҳоланки, дини шарифимиз ҳар навъ нафълик илм ўқумоқни бешикдан мозоргача бизларга фарз қилгандур. Бу ҳукм - ҳукми шариатдур. Биз, мусулмонларга, алалхусус, бу замонда икки синф уламо керакдур: бири олими диний; дигари олими замоний; олими диний; имом, хатиб, мударрис, муаллим, қози, муфти бўлуб, халойиқни диний ва ахлоқий ва руҳоний ишларини бошқарар, бу синфга киратурган талабалар, аввало Туркистонда ва Бухорода илми диний ва адабий ва бир оз русча ўқуб, сўнгра Макка, Мадина, Миср ё Истанбул бориб, улуми динияни хатм қилсалар керак. Токи комил мулла бўлсунлар...

Олими замоний бўлмак учун бо-





Ҳайвонот оламининг сеҳрли жозибаси бор.

5-саҳифа

Балли, ҳомийлар!

Бухорода вилоят касаба уюшмалари ҳомийлигида ўтадиган «Балли, раислар!» танловига таклиф этилган Мустафо ака кечаси билан газета-журнал титкилаб чиқди. Миясини билимга тўлдириб келган раис кўпдан кам бўлмади. Нуфузли ҳакамлар унга биринчи ўринни беришди. Навбат тақдирлашишга келганда, ҳакамлар ҳайъати раиси Алпомишдай гавдасини эпломай, ўрнидан зўрға қўзғаларкан, Мустафо раисга маъноли қараш қилди. Тўпланганларнинг гулдурос қарсаклари остида танлов ғолибига чет элда ишлаб чиқарилган телевизор топширилди...

Уйига каттакон ялтироқ қути кўтариб келган раисни қутлаш учун узоқ-яқиндан ёрдўстлар, касбдошлар келди. Анча чиқимдор бўлган Мустафо раис меҳмонлардан бир нарсани сир тутарди: уйига у телевизорсиз бўш қутини кўтариб келганди. Шу боис ҳар сўзининг бирида, «балли, ҳомийлар» деб қўярди.

Даврон БАҲРОНОВ

Кулгу — умр зийнати

Асосийси — хотиржамлик

Уммонда сузаётган кема чўка бошлади. Йўловчилардан бири кема капитанининг хонасига ҳовликиб кирди. Ва деди:

— Капитан, чўкяпмиз!

— Кўряпман, — деди капитан хотиржам.

— Капитан, ергача ҳали анчами?

— Бир мил атрофида, — эснади капитан.

— Ўҳ, бунча яқин, бир қадам экан-ку?!!

— Ия, қанақасига?

— Бўйига...

Тунги маъруза

Милиционер:

— Маъзур тутасиз, тўхтангчи, ўзингизча гўё ишбилармон одамдай, бамайлихотир қаёққа йўл олдингиз, — деди масхаромуз бир одамни тўхтатиб.

Шубҳали одам афтини буриштириб деди:

— Маъруза эшитишга.

Милиционер тутоқди:

— Маъруза? Буни қаранг-а, қоқ ярим тунда қайси ахмоқ сизга маъруза ўқиркан?

Шубҳали одам:

— Хотиним.

Тақиллатсам «киринг» деди

Баҳайбат денгиз кемасининг «акс-садо»чиси капитанга хабар берди.

— Тагимизда номаълум сув ости қайиғи турибди!

Кема сардори «товуш тутувчи»-ни чақирди-да, буйруқ берди:

— Зудлик билан шўнғи, аниқла — кимники? Қаёққа кетяпти?

Бир неча минутдан сўнг шўнғувчи чиқди-да:

— Япон қайиғи!

— Нега энди японларники деб ўйладинг? — деди сардор қизишиброқ.

— Қайиқ сиртига ёзув ролини ўтайдиган иеро-ёзув-суратлар туширилган экан.

— Бу асос бўлолмайди! — тутақиб кетди капитан. — Бугунги кунда японлар № фоиз техникасига шундай тасвир туширib четга сотади-ку, ахмоқ! Шўнғи, яна.

Ғаввос яна сувга шўнғиди. Тезда чиқди-да!

— Инглиз қайиғи! — деди.

— Нега?

— Қулоғимни кема сиртига тутиб «товуш тутдим». Инглизча гаплашиш.

— Эҳ, каллаварам ҳозир дунёдаги М фоиз одамлар инглиз тилида гаплашади-ку?! Шўнғи яна.

Ғаввос яна шўнғиди. Тезда оғзи қулоғида чиқди-да:

— Чукотка қайиғи! — деди хохолаб.

— Нега?

— Мен қайиқни «тақиллатсам», ичкаридан «киринг» деди...

Саида Сайҳун тайёрлади

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Юсуф ЖЎРАЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 03

Босишга топшириш вакти — 21.00.
Топширилди — 20.20
1 2 3 4 5 6.

Сотувда эркин нархда